

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2026-yil 2-aprel, payshanba

14 (9386)

t.me/Qishloqhayoti\_gazetasi

## ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ХУДУДЛАРНИНГ ЯШИЛ ОЛАМИНИ БОЙИТИШ БЎЙИЧА МУХИМ ҚАДАМ ТАШЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирларида иштирок этиб, Миллий дендрология боғини барпо этишга старт берди.**



Дунёнинг экологик манзараси мураккаблашиб бораётганига кўникаётганлар бор. Бу борадаги муаммоларни ҳал этишга ҳар томонлама ҳаракат қилаётганлар қанча. Бу йўналишдаги уринишларда халқнинг қадриятлари ва замонавий ёндашувлар уйғунлашса натижа кутилганидек бўлади.

Шу нуқтаи назардан, халқаро экспертлар Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини алоҳида эътироф этмоқда. Бу шунчаки кўчат экиш кампанияси эмас, балки келажак авлодлар учун муносиб яшаш муҳитини яратишга қаратилган стратегик дастурлигини таъкидлашарди.

Президентимизнинг жорий йил 25 мартда имзоланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазкур тизимни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. Хужжат ҳудудларнинг нафақат манзарали қиёфасини, балки соғлом экологик ҳолатини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Фармонга кўра, яқин истиқболда республиканинг барча ҳудудларидаги маълум майдонларда ботаника ва дендрология боғлари ташкил этилиши белгиланди. Бу ҳеч муболағасиз мамлакат экологик ҳаритасида туб бурилиш ясади. Бу каби ихтисослаштирилган боғлар шунчаки дам олиш маскани эмас, балки шаҳар ва қишлоқларимизда “табiiй филтёр” вази-фасини ўтайди.

Давлатимиз раҳбари “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирда нутқ сўзлар экан, халқимиз азал-азалдан Наврўз кунларида, оиласида фарзанд туғилганда томорқасига, майдон ва хиёбонларга, йўл четларига яхши ниёт билан кўчат қадаб, тулу райхонлар экканини таъкидлади.

Ана шу эзгу қадриятлар замирида сўнгги беш йилдан буюн “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилиб, ҳар йили 200 миллион туп кўчат экиб келинмоқда.

Халқимиз тафаккурида дарахт экиш оддий меҳнат жараёни эмас. Бу келажакка

кўйилган маънавий имзо саналади. Бу билан “Яшидан боғ қолади” деган ибратли мақсад фарзандлар онгига янада мустаҳкам жойлашади.

“Яшил макон” лойиҳаси ана шу кўҳна қадриятларимизнинг замонавий ислохотлар билан қоришиб кетган бир кўриниши бўлмоқда. Ҳар бир экилган ниҳол табиғатга яна бир умр бахшида этади. Ҳар бир кўчат юртдошларимизнинг она заминга бўлган чексиз муҳаббати ва масъулияти ифодаси бўлади. Ҳудудларда янги барпо этилаётган дендрология боғлари эса бу эзгу анъаналарни илмий асосда асрларга муҳрлайди.

Зеро, бугун заминга қадалган ҳар бир новда эртага юртимиз фаровонлиги, халқимиз саломатлигига хизмат қилади. Бу эса “Яшил макон” ғоясининг нафақат экологик, балки юксак инсонийлик ва маънавий аҳамиятга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўтган даврда 2 минг гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парклари, 47 та массивда “Янги Ўзбекистон боғлари” барпо этилди. Республиканинг тоғ, чўл ва адир ҳудудларида 256 минг гектар ўрмон ташкил қилинди. Оролнинг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда яшил қоламали ҳимоя ўрмонзорлари яратилди. Шамол ва қум-чанг бўронларининг зарарли таъсирини олдини олиш мақсадида 33 та туманда 60 километрли “яшил белбоғ” ҳосил қилинди.

Ўтган йили Хўжайли, Янги-бозор, Ғиждувон, Балиқчи ва Оҳангарон туманларида йилига 5,5 миллион туп манзарали дарахт кўчатлари етиштириш имконини берадиган замонавий кўчатхоналар ишга туширилди. Шунингдек, чўланишни камайтириш мақсадида Хитой тажрибаси асосида жорий йил илк бор Арнасой, Қорақўл, Муборак, Кармана ва Нукус туманидаги 50 гектар майдонда сувсизликка чидамли галофит боғлари яратилди. Таъкидланганидек, бу ерда етиштирилган галофит уруғлари келгусида минглаб гектар ерларда шўрланнишни камайтириш ва тулпроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

(Давоми 2-саҳифада)



➔ Пиллачилик

## Анъанавийликдан ЗАМОНАВИЙ САНОАТГА

Бунда соҳанинг ривожланиш мантиқи сифатида анъанавий хомашё етказиб беришдан воз кечиб, “хом пилла – қайта ишлаш – чуқур қайта ишлаш – тайёр маҳсулот – экспорт” тармоқ занжири асосида интеграциялашган тизим сифатида ривожлантиришни назарда тутати. Илмий-иқтисодий нуқтаи назардан бу ёндашув ипакчиликни аграр сектор доирасидан чиқариб, уни саноатлашган ва инновацион иқтисодиёт сегментига айлантиришни аниқлатади.

Ипакчилик соҳасида узоқ йиллар давомида хомашёга йўналтирилган иқтисодий модель устунлик қилиб келган. Шу билан бирга, соҳани янада ривожлантириш нуқтаи назаридан

хом пилла экспорти улушининг юқорилиги, қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш зарурати, туздорлар базасини мустаҳкамлаш эҳтиёжи, мавсумий бандликка боғлиқлик ҳамда юқори кўшимча қиймат занжирини тўлиқ шакллантириш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Натижада яратилаётган қийматнинг муайян қисми тўлиқ ишга солинмаган имкониятлар ҳисобига шаклланмаётгани кузатишмоқда. Янги қарор эса ушбу йўналишларни изчил такомиллаштириш орқали иқтисодиётни хомашё етказиб беришдан кўра, қайта ишлаш ва саноат асосида ривожлантиришга қаратилган.

(Давоми 2-саҳифада)

## НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Навоий вилоят прокуратураси томонидан мамлакатимиз Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан назорат тадбирлари олиб борилмоқда.**

Хусусан, “Худудий инвестиция” дастури доирасида прокурор назорати фаолиятини ташкиллаштириш, назорат тадбирлари самардорлигини оширишга хизмат қилувчи амалий қўлланма ишлаб чиқил-



ди. Мазкур қўлланма соҳага бириктирилган барча ходимларига тарқатилиб, малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда ўқув семинари ташкил этилди. Қўлланма ёрдамида туман-шаҳар про-

куратуралари томонидан худудий инвестиция лойиҳаларининг белгиланган мuddатларда ишга туширилиши ахволи ўрганилди.

(Давоми 3-саҳифада)



## Каноп ўсимлигидан СИФАТЛИ ТОЛА

Сўнгги йилларда юртимизда топали экинларнинг янги турларини тадқиқ этиш, уларнинг маҳаллий шароитга мос навларини яратиш ҳамда саноатга жорий қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланиб, қишлоқ хўжалигида пахта ва ғалладан ташқари кўшимча топали экинлар турларини йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда. Шулар орасида каноп ўсимлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу ўсимликни маҳаллий шароитда етиштириш орқали тола хомашё базасини кенгайтириш, пахта топасига кўшимча ресурс сифатида саноатга жорий этиш имконияти мавжуд.

Ноанъанавий луб толали экинлар турига кирадиган каноп ўсимлигини етиштириб, сифатли тола олиш, нафақат тўқимачилик саноати учун орасида каноп ўсимлиги муҳим аҳамият касб этади. Бу ўсимликни маҳаллий шароитда етиштириш орқали тола хомашё базасини кенгайтириш, пахта топасига кўшимча ресурс сифатида саноатга жорий этиш имконияти мавжуд.

Ўзи орқали ўтказмай ушлаб қолиши сабабли бошқа техник ўсимликлардан устун туради. Каноп толасидан олинadиган иплар электрокабел ва гилам тўқиш саноатларида, халқ хўжалигида брезент, арқон, ўт ўчириш учун ишлатиладиган эгилувчан шланглар, мебел матолари тайёрлашда хомашё сифатида қўлланилади. Ундан тайёрланган қопларда кофе, шакар, гуруч ва шу каби озиқ-овқат маҳсулотлари сақланса, ўз хусусиятини ўзгартирмаган

ҳолда анчагача туради. Каноп гулхайридошлар (Malvaceae) оиласига кирадиган бир йиллик ўсимлик бўлиб, Hibiscus туркумига ва Hibiscus cannabinus L. турига кирди. Ўсиш шароитига қараб, каноп-поянинг баландлиги 3-5 метргача, йўғонлиги эса 5 мм.дан 25 мм.гача бўлади.

Канопнинг ватани Жанубий Африка ва Америка бўлиб, у ерларда ёввойи ҳолда ўсган. Дастлаб Ҳиндистонда, кейин Африкада етиштирила

### ➔ Муносабат

## Аграр тармоқ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАР БИЛАН ЯНАДА БОЙИТИЛАДИ

Қишлоқ хўжалиги бу нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, балки аҳоли бандлигини таъминловчи, қишлоқ жойларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳисса қўшадиган, шунингдек, саноат тармоқлари учун хомашё манбаи бўлган муҳим тармоқдир. Шу сабабли, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши миллий иқтисодиётнинг юксалишини таъминлайди.



Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 13 мартдаги “Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашнинг навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши ҳам тармоқда янги босқичга муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур қарорнинг қабул қилинишидан кўзланган асосий мақсад қишлоқ хўжалигида механизациялаш даражасини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, аграр секторда қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган талабни қондириш ҳамда мавжуд техникаларни янгилаш ҳисобланади. Қарорга мувофиқ, жорий йилда янги сотиб олинadиган замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари ва агрегатларининг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланиб, 5674 та қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилиниши белгиланди. Жумладан, аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкалари 1788 та, пахта териш машиналари 800 та, универсал тракторлар 958 та, плёнка йиғадиган ва бошқа агрегатлар 1988 та ҳамда ғалла ўриш комбайнлари 140 тани ташкил қилади. Йил давомида мазкур қишлоқ хўжалиги техникаларининг сотиб олиниши фермерлар ва агробизнес учун жуда катта фойда келтириши шубҳасиз. Қисқароқ қилиб айтганда, энг аввало иш самардорлигининг ошишига хизмат қилади. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёни жуда катта ҳажмли майдонларда амалга оширилишини ҳисобга олсак, бу каби замонавий техникалар билан тез ва сифатли ишлаш имконияти яратилади ҳамда қўл меҳнатининг нисбатан камайишига ҳам эришилади.

(Давоми 3-саҳифада)

бошланган. Каноп ўсимлиги Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Афғонистон, Эрон, Куба, Бразилия, Индонезия, Судан, Ява ороллари, Бангладеш ва Африка мамлакатларида экилиб, саноат аҳамиятига эга бўлиб келган. Ўзбекистон шароитида каноп ўсимлиги 1927 йилдан бошлаб экила бошланган. Асосан, дарё сувлари яқин ҳудудларга экилган. Каноп ўсимлиги Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Чирчиқ дарёлари бўйида кўп йиллар давомида етиштириб келинган. Бирок яқин йиллар ичида унга бўлган эътибор биров сусайган эди. Давлат раҳбарининг Тошкент вилоятига қилган ташрифида берилган топшириқлар юзасидан яна каноп ўсимлигини етиштириш билан шуғулланиш лозимлигига катта урғу берилди. Шунингдек, 2023 йил 10 май куни Президентимиз томонидан Толали экинлар илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тақлифи билдирилди ва шу муносабат билан Толали экинлар илмий тадқиқот институти ташкил этилди.

(Давоми 3-саҳифада)





# Каноп ўсимлигидан СИФАТЛИ ТОЛА

(Боши 1-саҳифада)

Институтда янги йўналишдаги толали экинлар бўйича тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Бошқа толали экинлар қатори канопнинг ҳам бир неча навлари экилиб, парваришlash агротехнологияси, тола олиш механизмларини ишлаб чиқиш борасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Тадқиқотлар дала шароитида олиб борилиб, бунда тегишли услубий қўлланмалардан фойдаланилди. Дала тажрибалари Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида олиб борилиб, каноп ўсимлигининг турли давлатларда яратилган 10 та нави 3 марта қайтарилишида рақобатлаштирилган кўринишдаги схема асосида экилди ва унвучанлиги, ўсиши, ривожланиши, тола ҳосилдорлиги ўрганилди. Тажриба даласига экилган уруғ 12 кунда униб чиқиб, 20-22 кундан сўнг тўлиқ униб чиқди. Бунда унвучанлик даражаси 75-92 фоиз бўлиб, юқори унвучанлик Кубанинг "К-247", Кавказнинг "К-94" ва Адигеянинг "К-1" навларидан 92 фоизни ташкил этди. Ушбу навларнинг унвучанлиги бошқа навларга нисбатан 4-17 фоизгача юқори бўлди. Энг паст унвучанлик Кубанинг "К-247", Адигеянинг "К-220" навида кузатилди. Ўзбекистонда яратилган "К-354" навида уруғнинг дала унвучанлиги 88 фоиз бўлди.

Вегетация даврида ҳар ойда фенологик қузатувлар олиб борилиб, ўсимлик поя баландининг ўсиш динамикаси ўрганилди. Ўсишнинг биринчи ойларида каноп секин ўсиб, июл ойида олинган фенологик маълумотларга кўра, поя баландини навлар кесимида 37-52 см. бўлиб, "К-247", "К-354" ва "К-220" навларидан поя баландини юқори бўлди. Июл ойида келиб, ўсиши тезлашиб, поя баландини 2,5-3 баробарга ошди. Яъни, июл ойида поя баландини 171-199



см., август ойида 299-369 см. бўлган бўлса, сентябр ойига келиб ўсиши секинлашиб, 314-384 см.ни ташкил этди. Сентябрь ойида энг юқори натижа Ўзбекистонда яратилган "К-354" навида поя баландини 384 см. бўлиб, бошқа каноп навлари бўйидан 5-70 см.гача юқори бўлди. Шунингдек, Кубанинг "К-247" ва Кавказнинг "К-94" навларидан ҳам поя баландини юқори бўлиб, 379 см.ни ташкил этди.

Каноп ўсимлигидан тола олиш учун унинг техник етилиш даврида кўк поядан кўк пўстлоғи қўлда ажратилди, биологик ва лаборатория усулларида толаси олинди. Каноп кўк пўстлоғи биологик усулда ивтилса, яхши натижаларга эришилади, чунки, пўстлоғини биологик ишлаш вақтида бу моддалардан пектин моддаларини ташкил қилган паренхима, камбий, эпидермис тўқималари эриб, парчаланди, толадаги целлюлоза эса ўзгармайди. Ивиб, тайёр бўлган пўстлоқ махсус титиб ювадиган машиналардан ўтказилиб, ундан тоза техникавий тола ажрати олинади.

Канопдан тола олиш ва толанинг сифат кўрсаткичларини ўрганиш ва аниқлаш мақсадида тажриба майдонида 3 қайтарилишида экилган 10 хил нави каноп ўсимлигининг ҳар бир навидан техник пишиб етилган 10 тадан кўк пояси кесиб олинди. Кўк пўстлоғи ажратилиб, олинган пўстлоқлар боғ қилиб боғланди ва биологик усулда ивитиш учун совуқ сувга бўктирилди. Сувда кўк пўстлоқнинг пишиб етилиши сув ҳарорати ўртача 22-25 оС бўлганда 30 кунни ташкил этди. Кўк пўстлоқни сувда 30 кун давомида бўктириш жараёнида ферментлар таъсирида микроорганизмлар пектин моддаларини парчалади, яъни тўқималар мацерацияси содир бўлди. Натижада канопнинг кўк пўстлоғидан тола ажралди. Ивиб тайёр бўлган кўк пўстлоқлар ивитилган сувдан олиниб, тоза сувда ишлов берилди ва топ-тоза тиник рангли толалар олинди. Кўк пўстлоқдан биологик усулда ивитиш натижасида олинган толалар табиий усулда қуритилди ва қуритилган кўк пўстлоққа нисбатан тола

чиқми аниқланди. Энг юқори тола чиқми Ўзбекистонда яратилган "К-354" навида 65 фоиз бўлиб, бошқа каноп навларига нисбатан 0,6-20,6 фоизгача кўп эканлиги кузатилди. Ҳамма навлардан олинган толаларнинг кўриниши табиий оч сариқ рангли бўлди. Шулар билан бир қаторда каноп ўсимлигидан лаборатория шароитида ҳам толаси олинди. Унда ўсимликнинг техник етилиш фазасида кўк пояси ўриб олинди, кўк пўстлоғи ажратилиб, қуритилди, оғирлиги электрон тарозидан ўлчанди ва толаси лаборатория шароитида тола олиш механизми ёрдамида олинди. Лаборатория шароитида каноп кўк пўстлогининг тола чиқми техник етилиш фазасида 75 фоизни ташкил этди.

Лаборатория шароитида каноп кўк пўстлогининг тола чиқимидан а-целлюлоза миқдори ҳам аниқланди. Целлюлозанинг физик-кимёвий параметрлари тегишли стандарт бўйича аниқланиб, а-целлюлоза миқдори белгиланган тоза целлюлоза олинди.

Ҳўллас, каноп ўсимлигининг бўйи, тола чиқми, ташқи кўриниши ва а-целлюлоза миқдорини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида канопдан узун ва сифатли тола олиш учун Ўзбекистоннинг "К-354" ва Кубанинг "К-247" навларини экиб, парваришlash тавсия этилди. Ушбу навлар юртимиз иқлимига мос келади ва маҳаллий шароитда юқори сифатли толалар олиш имконини беради, бу эса уларнинг кишлоқ хўжалиги ва саноатдаги аҳамиятини оширади.

Илмий изланиш ишларини давом эттириб, каноп ўсимлигининг танлаб олинган навларини экиш, ўсимлик ривожланишининг сифатли толалар шаклландирилган фазаси ва ҳошам ёйғиш учун оптимал бўлган вақтини аниқлаш янада яхши натижаларга эришиш имконини беради. Олинган натижалар тола олиш жараёнида илмий жиҳатдан оптималлаштириш, кўк пўстлоқ олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва технологик ускуналар параметрларини танлашда илмий асос сифатида хизмат қилади.

Ш. КАМАЛОВ,

Толали экинлар

илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, т.ф.н.

## Назорат тадбирлари ДАВОМ ЭТМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Қўлланмани тайёрлаш давомида "Худудий инвестиция" дастури доирасида лойиҳаларни амалга ошириш жараёни билан боғлиқ айрим муаммолар мавжудлиги маълум бўлди. Жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият томонидан "Худудий инвестиция" дастурига киритилган лойиҳаларнинг тармоқ жадвалини тасдиқлаш орқали лойиҳа ташаббускорлари томонидан лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлсада, айрим ҳолатларда мазкур лойиҳа ташаббускорларига тегишли жамиятлар ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган ёки тугатганлиги маълум бўлди. Масалан, жорий йил дастурига киритилган Қизилтепа туманидаги "Rahimjon avto servis" ХК фаолияти 2023 йил 15 июнда Сурхондарё вилоятидаги "Arivo Surxon 99" МЧЖ таркибига қўшилиб, фаолияти тугатилганлиги маълум бўлди. Шу сабабли, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият томонидан "Худудий инвестиция" дастурига киритилган лойиҳаларнинг тармоқ жадвалини тасдиқлашдан олдин солиқ ҳамда статистика органлари билан келишиш тавсия этилди. Мазкур қўлланманинг вилоят худудидида амалиётга татбиқ этилиши натижасида прокуратура органлари томонидан ўрганишларда

аниқланган 19 та лойиҳа юзасидан Ҳукумат комиссиясининг қарори билан дастурдан чиқариш ҳамда истиқболли лойиҳаларга алмаштириш чоралари кўрилмоқда, 2 нафар тадбиркорга 650 млн. сўм кредит ажратиш, 5 нафарига электр, 3 нафарига газ, 4 нафарига ичимлик суви таъминоти, 5 нафарига бошқа масалаларда амалий ёрдамлар кўрсатилди. Қиймати 41 млрд. сўмлик 23 та лойиҳанинг ишга туширилишида кўмаклашилди. Бундан ташқари, қонунбузилиши ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини баргараф қилиш юзасидан ҳокимликларга 12 та тақдимнома киритилди, 5 нафар ҳоким ўринбосари ҳамда 3 нафар мансабдор шахснинг интизомий жавобгарлик масалалари ҳал қилинди.

Вилоятда, худудий инвестиция лойиҳаларининг белгиланган муддатларда бажарилиши бўйича берилган вазифалар ижроси алоҳида назоратга олинган бўлиб, бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

**Б. МАМАДЖАНОВ,**  
Ўзбекистон Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори,  
**С. МАМАТҚУЛОВ,**  
Навоий вилояти прокуратураси бўлим бошқиси.



**Бугунги кунда юртимизда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Минглаб километр ичимлик суви тармоқлари тортилиб, аҳолини кўп йиллар давомида қийнаб келатган муаммолар ечимини топмоқда.**

**Бу борада Наманган вилоятида ҳам эътиборга молик, эътирофга лойиқ кўплаб хайрли ишлар олиб борилмоқда.**



Ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз bilim ва истеъдоди билан эътироф этилаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, Тошкент давлат техника университети талабалари орасида ҳам илм-фан йўлида салмоқли ютуқларга эришаётган иқтидорли ёшлар талайгина. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2026-йил 19-январдаги 2025/2026 ўқув йили учун республика олий таълим муассасалари бакалаврият босқичи талабаларига давлат

## ИҚТИДОР ВА ИНТИЛИШ УЙҒУНЛИГИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг bilim олиши, илмий изланишлар билан шуғулланиши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

стипендияларини тайинлашга оид буйруғига асосан, Тошкент давлат техника университетининг бир гуруҳ иқтидорли талабалари давлат стипендияларига сазовор бўлди. Улар орасида Геология-қидирув ва кон-металлургия факультети 3-босқич талабаси Юнусова Фарангис ҳам бор.

Мазкур стипендия мамлакатимизда энг нуфузли илмий рағбатлантиришлардан бири ҳисобланиб, у талабаларнинг ўқишдаги юқори кўрсаткичлари, илмий фаолияти, ижтимоий фаоллиги ҳамда инновацион гоғлари асосида берилди. Шу бонс бу ютуқ ёшларнинг bilimга бўлган интилиши, илм-фанга садоқати ва изланишлари натижасида қўлга киритилган катта эътирофдир. Давлат стипендияси номи эса буюк аллома Абу Райҳон Беруний номи билан боғлиқ бўлиб, уларнинг илм-фан ва давлат тараққиётига қўшган улкан хиссасини ёдга солади.

Фарангис 1-курсга қабул қилинган давридаёқ ўзининг тиришқоқлиги, масъулияти ва илмга бўлган қизиқиши билан ажралиб туради. У университетнинг "Маркшейдерлик иши ва геодезия" кафедрасида "Геодезия ва геоинформатика" йўналишидаги фанларни чуқур ўрганиб, назарий bilimларини амалий тажрибалар билан мустаҳкамлаб келмоқда. Талаба нафақат аудитория машғулотларида, балки илмий тадқиқот ишларида ҳам фаол иштирок этиб, турли илмий анжуманлар, семинарлар ва конференцияларда қатнашиб келмоқда. Унинг

лари орасида ўзининг фаоллиги ва ташаббускорлиги билан эътибор қозониб келмоқда. Бугунги кунда Фарангис каби иқтидорли талабаларнинг ютуқлари нафақат университет жамоаси, балки бутун мамлакатимиз ёшларига ҳам илҳом бағишлайди. Чунки бундай муваффақиятлар ёшларнинг илм-фанга бўлган қизиқишини янада ошириб, уларни катта мақсадлар сари ундайди. Шубҳасиз, bilimга интилан, илмий изланишлардан тўхтамайдиган ёшлар келажакда мамлакатимиз илм-фани, саноати ва технологик тараққиётига муносиб ҳисса қўшади. Фарангис Юнусованинг бугунги ютуғи эса унинг келажакдаги улкан муваффақиятлари сари қўйилган муҳим қадамдир. Кафедра жамоаси иқтидорли талабага келгусидаги ютуқлари ва илмий фаолиятида янги ютуқлар, улкан марралар тилайди. **Музаффар ҲАҚБЕРДИЕВ,** Тошкент давлат техника университети доценти.

### Эълонлар

05-01/15674 рақами билан 1993 йил 26 февралда Мукимова Алла Нифодьевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
01-01/10420 рақами билан 1993 йил 25 февралда Хуснутдинова Лейля Афзаловна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
03-01/7726 рақами билан 1993 йил 20 апрелда Алижанов Абдулхамит номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордерининг 2008 йил 2 октябрда берилган дубликати йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

### Эълонлар

04-01/10668 рақами билан 1993 йил 29 январда Мирахметова Ойниссо Жумаевна номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
01-01/1689 рақами билан 1993 йил 26 январда Фролов Олег Александрович номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
08-02/15674 рақами билан 2021 йил 15 июнда Сафаров Нурбек Абдувалиевич номига берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

У “Hurriyat” газетасини икки бор жар ёқасидан тўғридан-тўғри юракларга йўналтира олди

Тафаккур

Ўзбек матбуоти тараққиётида публицистика алоҳида аҳамиятга эга жанрлардан бири ҳисобланади. Публицистик ижод жамият ҳаётидаги долзарб масалаларни очиб бериш, ижтимоий фикрни шакллантириш ва инсон тафаккурига таъсир кўрсатиш имконияти билан аҳамиятлидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, шоир ва журналист, “Шухрат” медали ва “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Абдурасул Жумақулнинг публицистик мероси ўзбек матбуотида алоҳида ўрин тутади. Унинг мақолаларида жамият ҳаётидаги муҳим масалалар, инсон қадрлари, маънавият ва миллий қадриятлар масаласи кенг ёритилганки, бу шу жамиятда яшаётган инсонларнинг эътиборини тортмай қўймайди.



Сўзни нондай муқаддас билиб...

Муслмонлар истиқомат қилади. Бинобарин, Деҳлидаги энг диққатга сазовор масканлардан яна бири – катта жомеъ масжид ҳисобланади... Булар бир қарашда фақат маълумотлик билан халқни туртиб-туртиб уйғотади. Унинг публицистикасида ижтимоий масъулият ҳисси кучли сезилади. Ёзганларидан шу нарса аён бўладики, журналист жамият олдига катта масъулиятга эга бўлган шахсдир. Шунинг учун публицистикада ҳақиқатни очиб баён қилиш, ҳолислик ва адолат мезонларига амал қилиш муҳим ҳисобланади. Қадрдон журналистнинг “Онам”, “Қадрдон қайроғочни ўқиб”, “Қундузги чирок”, “Туташ томирлар диёрига сафар”, “Шарқираб сой каби оққаннинг ростири” каби мақола ва эсселарининг ҳар бирида сергак ва рост сўз балки чиқверади. Абдурасул Жумақул публицистикасида таҳлил ва таъсирчанлик алоҳида ўрин тутади. Муаллиф кўплаб мақолаларида жамиятдаги иқтисодий-сиёсий ва маънавий муаммоларни таҳлил қилиб, уларнинг сабабларини очишга ҳаракат қилади. Унинг ҳатто танқиди ҳам фақат салбий ҳолатларни кўрсатиш билан чекланмайди. Аксинча, у муаммоларнинг ечимини топиш, жамият тараққиёти учун янги фикрлар илғари суришга интилади. Шу жиҳатдан Жумақулнинг публицистикаси конструктив фикр ва тақлифларга ҳам бойдир. Муаллифнинг таҳлилий услуби ўқувчининг фикрлашга ундайди. У воқеликни фақат тасвиригагина қолмай, унинг сабаб ва оқибатларини ҳам чуқур таҳлил қилади. “...Ҳиндистон халқи ҳам ушбу байрамни кенг нишонлайди. Негаки, бу давлатда 300 миллионга яқин

техник тараққиёт оламида ёш авлодга нари борса “эскилик сарқити” ёки жон қойитишга арзимайдиган ҳолат бўлиб туялар? Чунки, бугун босма ОАВларнинг ададлари кескин тушиб кетган бир пайтда, профессионал газетчилик қарор ва фармонлар қабул қилинди. Уларда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб ўқишни омма-лаштириш, ахборот-кутубхона тизимини модернизация қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Инсон қалбига нур олиб кирувчи, тафаккурини чархловчи ва руҳиятини юксалтирувчи энг қудратли восита китобдир. Китоб бор жойда маърифат, китобхон бор жойда тараққиёт бўлади. Шу маънода кутубхоналарни маънавият булоғи, китобхонлик эса унинг мусофҳо сувидан баҳраманд бўлиш, деб таърифлаш мумкин. Китубхона – бу шунчаки, китоблар сақланадиган жой эмас. У авлодлар таърибиса, инсон тафаккурининг энг сара намунаси жамланган маърифат масканидир. Ҳар бир китоб жимгина турган ҳолда ўқувчисини кутади, уни ўйга толдиради, баъзан тасалли беради, баъзан эса янги орзу-мақсадлар сари илҳомлантиради. Китубхонага кирган инсон гўёки вақт ва макон чегараларидан чиқиб, ўтмиш, бугун ва келажак билан мулоқотга киришади. Китоб – инсоннинг энг яқин ва ишончли ҳамроҳи. У суҳбатдош каби инсонни тинглайди, унинг саволларига жавоб топишга ёрдам беради. Айниқса, бадий адабиёт инсон қалбига таъсир этиб, унда эзулик, меҳр-оқибат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради. Илмий китоблар эса инсонни изланишга, кашфиётлар яратишга чорлайди. Китобхонлик маданияти жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Китоб ўқийдиган инсон фикрлайди, таҳлил қилади, тўғри қарор қабул қилишга интилади. Бундай инсонлар кўп бўлган жамиятда эса тараққиёт барқарор ва изчил кечад. Шу боис, бугунги кунда ёшларда китобхонликка бўлган қизиқишни Замонавий технологиялар асрида китобхонлик шакли ўзгарган бўлса-да, унинг моҳияти ўзгармади. Электрон китоблар, аудиокитоблар пайдо бўлди, бироқ китобнинг

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

КУТУБХОНА – МАЪНАВИЯТ БУЛОҒИ

Республикамызда китобхонлик маданияти сўнгги йилларда давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланаётган муҳим маънавий йўналишлардан бирига айланди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар тизимли ва кўп қиррали характерга эга.

Ўқувчиларнинг китобхонлик маданияти сўнгги йилларда давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланаётган муҳим маънавий йўналишлардан бирига айланди. Бу борада амалга оширилаётган ишлар тизимли ва кўп қиррали характерга эга. Ҳукуматимиз томонидан китобхонлик ривожлантиришга оид қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди. Уларда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида китоб ўқишни омма-лаштириш, ахборот-кутубхона тизимини модернизация қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Инсон қалбига нур олиб кирувчи, тафаккурини чархловчи ва руҳиятини юксалтирувчи энг қудратли восита китобдир. Китоб бор жойда маърифат, китобхон бор жойда тараққиёт бўлади. Шу маънода кутубхоналарни маънавият булоғи, китобхонлик эса унинг мусофҳо сувидан баҳраманд бўлиш, деб таърифлаш мумкин. Китубхона – бу шунчаки, китоблар сақланадиган жой эмас. У авлодлар таърибиса, инсон тафаккурининг энг сара намунаси жамланган маърифат масканидир. Ҳар бир китоб жимгина турган ҳолда ўқувчисини кутади, уни ўйга толдиради, баъзан тасалли беради, баъзан эса янги орзу-мақсадлар сари илҳомлантиради. Китубхонага кирган инсон гўёки вақт ва макон чегараларидан чиқиб, ўтмиш, бугун ва келажак билан мулоқотга киришади. Китоб – инсоннинг энг яқин ва ишончли ҳамроҳи. У суҳбатдош каби инсонни тинглайди, унинг саволларига жавоб топишга ёрдам беради. Айниқса, бадий адабиёт инсон қалбига таъсир этиб, унда эзулик, меҳр-оқибат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради. Илмий китоблар эса инсонни изланишга, кашфиётлар яратишга чорлайди. Китобхонлик маданияти жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Китоб ўқийдиган инсон фикрлайди, таҳлил қилади, тўғри қарор қабул қилишга интилади. Бундай инсонлар кўп бўлган жамиятда эса тараққиёт барқарор ва изчил кечад. Шу боис, бугунги кунда ёшларда китобхонликка бўлган қизиқишни Замонавий технологиялар асрида китобхонлик шакли ўзгарган бўлса-да, унинг моҳияти ўзгармади. Электрон китоблар, аудиокитоблар пайдо бўлди, бироқ китобнинг

инсон қалбига таъсир кучи сақланиб қолмоқда. Муҳими, инсон китоб билан дўст бўлсин. Мен кутубхона ходими сифатида Каттакўрғон тумани ахборот-кутубхона марказининг фаолияти ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида ўртоқлашмоқчиман. Бизнинг ахборот-кутубхона марказимизда тўртта хизмат тури мавжуд бўлиб, барча ходимлар сидқидилдан хизмат қилиб келмоқда. Абонементлар ва фойдаланувчиларга хизмат қилиш; фондларни бойитиш, сақлаш ва ишлов бериш хизмати; ахборот-библиография хизмати; ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамлаштириш хизмати фаолият юритиб, аҳолига ва ёшларга тезкор ва сифатли хизмат қилиб келмоқда. Китубхона марказимиз 2019 йил 2800 донга китоб фонди билан фаолият бошлаган эди. Бугунга келиб китоб фонди 25810 донга етди. Ахборот-кутубхона марказида “Китобхонлик ҳафталиги”, “Infolib” тадбирлар узлуксиз ўтказиб келинмоқда. Китобхонлар сўровидан келиб чиққан ҳолда фондимизни адабиётлар билан бойитиб келмоқдамиз. Китубхона марказида китоб, газета, журнал, видео ва аудио тасмалар, оптик диск ва кўлэма-ларни тўплаб ва сақлаб, уларни китобхонларга етказиб биз кутубхончиларнинг асосий вазифасидир. Китубхонамиз етти ёшдан етмиш ёшгача, балки ундан ҳам ёши улур эзулик, меҳр-оқибат, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради. Илмий китоблар эса инсонни изланишга, кашфиётлар яратишга чорлайди. Китобхонлик маданияти жамият тараққиётининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Китоб ўқийдиган инсон фикрлайди, таҳлил қилади, тўғри қарор қабул қилишга интилади. Бундай инсонлар кўп бўлган жамиятда эса тараққиёт барқарор ва изчил кечад. Шу боис, бугунги кунда ёшларда китобхонликка бўлган қизиқишни Замонавий технологиялар асрида китобхонлик шакли ўзгарган бўлса-да, унинг моҳияти ўзгармади. Электрон китоблар, аудиокитоблар пайдо бўлди, бироқ китобнинг

Эълонлар

“BILOL DAROMAD LOMBARD” МСНҲнинг баланс ҳисоботи 2025 йил “31” декабрь ҳолатига

Table with financial data for BILOL DAROMAD LOMBARD, including columns for code, description, and amount.

“BILOL DAROMAD LOMBARD” МСНҲнинг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи 2025 йил “31” декабрь ҳолатига

Table with financial data for BILOL DAROMAD LOMBARD, including columns for code, description, and amount.

Изоҳ: \* жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлар

ЭХТИЁТКОРЛИК ҲАМИША ШАРТ

Баъзан оддийгина эҳтиётсизлик ҳам бошимизга катта қулфат солиши ҳеч гап эмас. Кўпинча ёнгинлар айни шу эҳтиётсизлик оқибатида юз беради. Тилсиз ёв бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, оғоҳлик ва хушёрликни ошириш орқали бунга йўл қўймаслик мумкин.

Айрим кишилар ўз уйларида эътиборсизлиги, аникроғи, табиий газдан фойдаланишда ёнгин хавфсизлиги қондаларига амал қилмасликлари оқибатида ёнгин билан боғлиқ қўнғилсизликлар келиб чиқади. Тилсиз ёв бўлган олов фасл танламайди, вақт ва жой ҳам танламайди. Қўнғилмаганда озгина эҳтиётсизлик ва бепарволик оқибатида рўй беради. Шунинг учун бу масалага доимо жиддий қараш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўрнини йилгига камида бир марта тазаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнувчи суюқликларни сақлаш, электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болаларнинг гуғурт билан ўйнашига бепарво бўлиш ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлади. Учқун текканда ёниб кетадиган айрим нарсалар борки, уларни печкалар ёнида сақлаш асло мумкин эмас.

Умиди ҲАМРАЕВА, Каттакўрғон тумани ахборот-кутубхона маркази ходими.

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 3-июндаги 350-сон қарорининг 3-иловасига мувофиқ, Сув ўҳжалиги вазирлигининг 2026-йил 24-мартдаги 01/17-95-сонли баёнига асосан “Ўзсувметалл” давлат корхонасини (СТЯР 201389435) тугатиш белгиланган. Тугатилмаган корхона бўйича мураккаблар Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Қорасув-4 даҳаси, 11-уй манзилида жойлашган корхона биносида, тугатувчи Б.Мирзаев (тел. 90 952-89-72) томонидан қабул қилинади.

Qishloq hayoti MUASSISLAR: O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi kompleks tarkibidagi hamda boshqa daxldor vazirlik va idoralar.

Bosh muharrir: Chori LATIPOV Tahrir hay'ati: Ibrohim ABDURAHMONOV, Shavkat Hamroyev, NARZULLO OBLOMURODOV, Eshmirza ABDULLIMOV, Habib TEMIROV, Raimqul SUYAROV (bosh muharrir o'rinbosari).

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2009 yil 13 fevralda № 0020-raqam bilan ro'yxatdan o'tkazilgan. Hajmi 2 bosma taboq. Ofset usulida bosildi, qog'oz bichimi A-2. Nashr indeksi - 144. Buyurtma G-417. 1140 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dizayner: Markx YUSUPOV.

Tahririyat manzili: Toshkent viloyati Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy. Telefonlar: +998 77-080-43-70, +998 99-050-69-45. Reklama va e'lonlar - (998 90) 317-19-16. E-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Bahosi kelishilgan narxda. Gazeta "Shara" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Bosmaxona manzili: "Buyuk Taron" ko'chasi, 41-uy. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7023 Boshigsha topshirish vaqti: 21:00 Boshigsha topshirildi: 21:30